
Қурилганига 50 йилдан зиёд бўлган 12-сонли мактаб учун қўшимча 240 ўринли бино қурилмоқда

Эшон маҳалласида жойлашган 12-сонли мактаб биноси 1972 йилда 360 ўкув ўринга мўлжаллаб, қурилган бинода 512 нафар ўқувчи таҳсил олаётган эди.

Жорий йилда 360 ўринли ўкув биносини таъмирлаш ва қўшимча янги 240 ўринли ўқув биноси қурилиши учун давлат дастури асосида 5 млрд 70 млн сўм маблағ ажратилган.

Хозирги кунда янги ўкув биноси қуриш ва мавжуд бинони реконструкция қилиш ишлари "Олтиарик бунёдкор қурилиш файз" МЧЖК пуррат ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу бинода катта синф ўқувчиларига таълим бериш режалаштирилган.

2023-07-27 18:16:45